

**Абулқосимов Ҳ.П.,**

Ўзбекистон Миллий университети  
«Иқтисодиёт» факультети «Иқтисодиёт  
назарияси» кафедраси профессори, иқтисод  
фанлари доктори;

**Ашурова М.Х.,**

Бухоро давлат университети  
мустақил тадқиқотчиси

## МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН УНУМЛИ Фойдаланиш йўллари

### **АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П., АШУРОВА М.Х. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН УНУМЛИ Фойдаланиш йўллари**

Мақолада Ўзбекистон меҳнат ресурслари ўсиши ва унинг таркибий ўзгариши ҳамда иқтисодиётда бандлиги динамикаси таҳлил қилиниб, улардан унумли фойдаланиш йўллари бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Таянч иборалар: аҳоли, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, иқтисодий нофаол аҳоли, иш билан бандлик, бандлик даражаси, ишсизлар, ишсизлик даражаси, иш ўринлари.

### **АБУЛКАСИМОВ Х.П., АШУРОВА М.Х. ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ И ПУТИ ЭФФЕКТИВНОГО ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ**

В статье анализированы динамики роста трудовых ресурсов Узбекистана и их структурные изменения, а также занятости в экономике. В ней изложены некоторые мнения и соображения по поводу путей их эффективного использования в экономике.

Ключевые слова: население, население в трудоспособном возрасте, трудовые ресурсы, экономически активное население, экономически неактивное население, занятость, уровень занятости, безработные, уровень безработицы, рабочие места.

### **ABULKASIMOV H.P., ASHUROVA M.X. LABOR RESOURCE AND THE WAYS OF THEIR EFFECTIVE USE**

In the article analyzed the dynamics of rise of labor resource of Uzbekistan and their structural changes, and occupation in the economics. In the article reported some thoughts and opinions about their effective use in economics.

Keywords: citizen, labor resource, economic active citizen, economic inactive citizen, the unemployment, level of the unemployment, workstation.

**Ўзбекистон Республикасидаги демографик ўзгаришлар меҳнат ресурслари сони ва таркибидаги ўзгаришлар тенденциясини белгилаб бермоқда. Бундан ташқари, жаҳон миқёсида ҳамон кузатилаётган иқтисодий инқироз, давлатлараро меҳнат тақсимотининг ўзгартирилиши, давлатлараро рақобат кучайиши ва бу ҳол юртимизда ҳам меҳнат ресурсларининг тармоқлараро тақсимотининг жадал суръатларда ўзгаришига ундамоқда.**

Меҳнат ресурсларини меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ҳамда иқтисодиётда банд бўлган ўсмирлар ва нафақахўр катта ёшдаги кишилар ташкил қилади. Меҳнат ресурсларининг иш билан банд бўлган ва вақтинча банд бўлмаган, ишлашни хоҳлайдиган ва ишни фаол излайдиган ишсизлардан иборат қисми иқтисодий фаол аҳоли деб аталади. Меҳнат ресурсларининг нофаол қисмига ўқув юрларининг кундузги бўлимида ўқийдиган меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, ишга жойлашишга муҳтож бўлмаган ёки ишлашни хоҳламайдиган меҳнат ёшидаги кишилар, 3-гуруҳ ногиронлари киради.

Ўзбекистон Республикасидаги демографик ўзгаришлар меҳнат ресурслари сони ва таркибидаги ўзгаришлар тенденциясини белгилаб бермоқда. Мустақиллик даврида, яъни 1991-2013 йилларда мамлакатнинг доимий аҳолиси сони 146,2%га, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 176,6%га, меҳнат ресурслари сони эса 174,4% га ўсди (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, меҳнатга лаёқатли аҳолининг республика доимий аҳолисининг ўртача сонидаги улуши 1991 йилдаги 47,4%дан 58,5%га, меҳнат ресурсларининг республика доимий аҳолисининг ўртача сонидаги улуши эса шунга мос равишда 49,3%дан 58,9%га ўсди. Унинг таркибидаги иқтисодиётда банд бўлган катта ёшлилар ва ўсмирлар сони 40,5%га камайиб, уларнинг меҳнат ресурслари таркибидаги улуши 1,9%дан 0,6%га қисқарди.

Таъкидлаш жоизки, 2013 йилда 1991 йилга нисбатан меҳнат ресурслари 74,4%га ўсгани ҳолда, иқтисодий фаол аҳоли сони 59,4%га,

иқтисодий нофаол аҳоли 2,3 баробарга ўсди. Натижада иқтисодий фаол аҳолининг меҳнат ресурслари сонидаги улуши шу даврда 80,8%дан 73,9% га қисқарди (2-жадвал).

Иқтисодий нофаол аҳолининг меҳнат ресурслари таркибидаги улуши таҳлил даврида 19,2%дан 26,1%га ўсди. Аммо 2000-2013 йилларда нофаол аҳолининг меҳнат ресурслари таркибидаги улуши бирмунча қисқарди. Иқтисодий фаол аҳолининг таркибида шаҳар аҳолисининг улуши 2007 йилдаги 39%дан 2013 йилда 55,7%га ўсди. Шунга мос равишда қишлоқ аҳолисининг улуши 61%дан 44,3%га қисқарди. Иқтисодий нофаол бўлган аҳоли, яъни меҳнат ресурсларининг таркибида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдагилар улуши 2007 йилдаги 38,8%дан 2013 йилда 42,9%га ўсди. Шунга мос равишда иқтисодиётда банд бўлмаган иқтисодий нофаол аҳолининг бошқа тоифаларининг улуши эса таҳлил даврида 61,2%дан 57,1%га камайди.

Ўзбекистон Республикаси минтақалари меҳнат ресурслари ўсиши динамикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, 2013 йилда 1991 йилга нисбатан бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 214,9%га, Сурхондарё вилоятида 218,0%га, Наманган вилоятида 198,3%га, Самарқанд вилоятида 194,1%га, Жиззах вилоятида 192,5%га ўсди (3-жадвал).

Таъкидлаш лозимки, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида меҳнат ресурс-

**1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг ўсиш динамикаси ва таркибдаги ўзгаришлар<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	1991 й.	2000 й.	2010 й.	2013 й.	2013 йилда 1991 йилга нисбатан %да
Доимий аҳолининг ўртача йиллик сони, минг киши	20 857,0	24654,5	28227,6	30492,8	146,2
Меҳнат ресурслари, минг киши	10 213,2	12594,0	16509,7	17814,1	174,4
Доимий аҳоли сонига нисбатан фоизда	49,3	51,1	58,5	58,9	
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, минг киши	10019,2	12418,4	16292,1	17698,7	176,6
Доимий аҳоли сонига нисбатан фоизда	47,4	50,4	57,7	58,5	
Меҳнат ресурслари сонига нисбатан фоизда	98,3	98,6	98,7	99,4	
Иқтисодиётда банд бўлган катта ёшлилар ва ўсмирлар сони, минг киши	194,0	175,6	217,6	115,4	59,5
Меҳнат ресурслари сонига нисбатан фоизда	1,9	1,4	1,5	0,6	

**2-жадвал. Меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли бўйича тақсимланиши (минг киши)<sup>2</sup>**

Кўрсаткичлар	1991 й.	2000 й.	2010 й.	2013 й.	2013 йилда 1991 йилга нисбатан %да
Меҳнат ресурслари	10 213,2	12594,0	16509,7	17814,1	174,4
Иқтисодий фаол аҳоли	8255,0	9018,4	12286,6	13163,0	159,4
Меҳнат ресурслари сонига нисбатан фоизда	80,8	72,3	74,4	73,9	
Иқтисодий нофаол аҳоли	1958,2	3575,6	4439,4	4651,1	237,5
Меҳнат ресурслари сонига нисбатан фоизда	19,2	27,7	25,6	26,1	

ларининг ўсиши суръатлари республикадаги ўртача даражадан паст даражададир.

Меҳнат ресурсларининг фаол қисми бўлган иқтисодий фаол аҳоли Ўзбекистоннинг барча минтақа ва ҳудудларида ўсди. Иқтисодий фаол аҳоли сони 2013 йилда 2000 йилга нисбатан Сурхондарё (44,1%), Самарқанд (42,5%), Қашқадарё (41,8%), Наманган (41,5%), Андижон (40,4%) вилоятларида энг юқори суръат-

ларда ўсди. Бухоро (36,7%), Жиззах (36,8%) вилоятларида бу кўрсаткич ўртача республика даражасида ўсди. Қорақалпоғистон Республикаси (26,1%) ва Тошкент шаҳрида (18,4%) иқтисодий фаол аҳоли сони суст даражада ўсди.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг асосий кўрсаткичи уларнинг миллий иқтисодиётда иш билан бандлигида ифодаланади. Иш билан бандлик – бу иқтисодий фаол аҳолининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, даромад келтирадиган фаолиятга эга бўлишидир. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига асосан иш билан таъминлаш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан

<sup>1</sup> Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. Статистический ежегодник. 1-том. – Т., 1993. –С. 31; Статистический ежегодник регионов Узбекистана в 2002. – Т., 2003. –С. 16; Узбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўплам. 2013 йил. – Т., 2014. 21-бет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>2</sup> Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. Статистический ежегодник. 1-том. – Т., 1993. –С. 34; Статистический ежегодник регионов Узбекистана в 2002. – Т., 2003. –С. 18; Альманах Узбекистана 2013. – Т.: ЦЭИ, 2014. –С. 75; Узбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўплами. 2013 йил. – Т., 2014, 22-бет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**3-жадвал. Меҳнат ресурсларининг республика минтақалари бўйича тақсимланиши ( минг киши)<sup>1</sup>**

	1991 й.	2000 й.	2010 й.	2013 й.	2013 йилда 1991 йилга нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	10 213,2	12594,0	16509,7	17814,1	174,4
Қорақалпоғистон Республикаси	594,0	755,8	945,5	996,6	167,8
Вилоятлар:					
Андижон	897,5	1 140,3	1 561,2	1641,7	182,8
Бухоро	607,0	747,4	987,6	1035,1	170,5
Жиззах	368,1	472,4	652,1	708,8	192,5
Қашқадарё	769,6	1 019,0	1 493,4	1654,2	214,9
Навоий	359,1	406,8	531,6	546,8	152,3
Наманган	746,3	961,0	1 350,6	1480,0	198,3
Самарқанд	1 016,8	1 299,9	1 815,7	1973,8	194,1
Сурхондарё	605,5	807,3	1 174,1	1320,2	218,0
Сирдарё	279,5	319,7	420,7	448,7	160,5
Тошкент	1 061,1	1 231,1	1 549,7	1589,5	149,8
Фарғона	1 094,7	1 330,5	1 824,2	1947,5	177,9
Хоразм	495,1	663,9	900,4	934,2	188,7
Тошкент ш.	1 318,9	1 313,9	1 519,2	1537,0	116,5

**4-жадвал. Ўзбекистонда иш билан банд аҳоли динамикаси (минг киши)<sup>2</sup>**

Кўрсаткичлар	1991 й.	2000 й.	2010 й.	2013 й.
Иш билан банд аҳоли	8255,0	8983,0	11628,4	12523,2
Доимий аҳоли сонига улуши, фоизда	39,6	36,4	41,2	41,06
Меҳнат ресурслари сонига нисбатан фоизда	80,8	72,0	70,4	70,3
Иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан фоизда		99,6	94,6	95,1
Расмий ишсизлик даражаси, фоизда	...	...	5,4	4,9

боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган бандлик сиёсати натижасида иш билан банд аҳоли сони 1991-2013 йилларда 1,5 баробардан зиёдга кўпайди (4-жадвал).

Иш билан банд меҳнат ресурсларининг республика доимий аҳоли сонига улуши 1991 йилдаги 39,6%дан 2013 йилда 41,06%га ўсгани ҳолда, меҳнат ресурслари сонига

улуши шунга мос равишда 80,8%дан 70,3%га пасайди. Иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлик даражаси 2013 йилда 95,1%ни ташкил этиши дунё амалиётида ижобий ҳисобланади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлик даражаси 1991-2013 йилларда 80,7%дан 70,1%га пасайди. Шунга мувофиқ иқтисодий нофаол меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши 19,3%дан 29,9%га ўсди. Иш билан бандлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан 2000-2013 йилларда 99,6%дан 95,1%га тушгани ҳолда, ишсизлик даражаси 0,4%дан 4,9%га ўсди.

Иш билан банд меҳнат ресурсларининг иқтисодий тармоқлари бўйича тақсимланиши динамикасининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда иқтисодий реал секторининг моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг иш билан банд аҳоли умумий сонига улуши камайиш тенденциясига, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса

<sup>1</sup> Статистический ежегодник регионов Узбекистана в 2002. Т., 2003. -С. 16; Альманах Узбекистана 2013. – Т.: ЦЭИ, 2014. -С. 76; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. 2013 йил. – Т., 2014, 33-бет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>2</sup> Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. Статистический ежегодник. 1-том. – Т., 1993. -С. 34; Статистический ежегодник регионов Узбекистана в 2002. – Т., 2003. -С. 18; Альманах Узбекистана 2013. – Т.: ЦЭИ, 2014. -С. 75; Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўплами. 2013 йил. – Т., 2014, 22-бет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**5-жадвал. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича иш билан банд аҳоли сони ( жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>**

Тармоқлар	1991 й.	2000 й.	2010 й.	2013 й.
Иқтисодиётда жами бандлар	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан тармоқларда:				
саноат	14,3	12,7	13,2	12,9
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	42,0	34,4	26,9	27,2
қурилиш	8,2	7,5	9,2	9,3
транспорт ва алоқа	4,8	4,3	5,2	5,3
савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминот	5,6	8,4	10,7	11,0
уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	2,3	2,8	3,4	3,6
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	5,9	6,5	7,7	7,4
таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	13,7	12,8	13,8	13,1
молия, кредит ва суғурта	0,3	0,6	0,6	0,5
бошқа тармоқлар	2,9	10,4	9,3	9,7

ўсиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда (5-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иш билан банд аҳоли сонидаги саноатнинг улуши 1991 йилдаги 14,3%дан 2013 йилда 12,9%га, қишлоқ хўжалигининг улуши эса шунга мос равишда 42,0%дан 27,2%га камайди. Транспорт ва алоқа ҳамда қурилиш соҳаларининг иш билан бандлар сонидаги улушлари эса ошиб бормоқда. Шунингдек, ижтимоий соҳалар, яъни уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот, таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳаларининг иш билан банд аҳоли сонидаги улушлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши

бўлиб қолади»<sup>2</sup>. Меҳнат ресурсларининг иқтисодиётда бандлигини оширишда янги иш ўринларининг яратилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда кейинги йилларда ҳар йили ўртача 950 мингдан зиёд иш ўринлари яратилмоқда. 2014 йилда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида салкам 1 миллионга яқин янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилди. Шунингдек, таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчилари иш билан таъминланди. Ўзбекистонда 2015 йилда 987 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Ушбу дастурга хорижий мамлакатлардаги, хусусан, Россиядаги мураккаб иқтисодий вазият туфайли Ўзбекистонга қайтиб келаётган меҳнат муҳожирларининг бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ҳам киритилган. Дастурга кўра, 2015 йили Ўзбекистонда 409,5 минг нафар меҳнат муҳожирлари иш билан таъминланади. Айни вақтда, ушбу иш ўринларининг асосий қисми вилоятларда – Сурхондарё, Самарқанд, Қаш-

<sup>1</sup> Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. Статистический ежегодник. 1-том. – Т., 1993. –С. 34; Статистический ежегодник регионов Узбекистана в 2002. – Т., 2003. –С. 18; Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. – Т., 2014. –47-бет маълумотлари асосида тузилди.

<sup>2</sup> Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. –24-б.

қадарё, Наманган, Андижон, Бухоро ва Фарғонада ташкил этилмоқда.

Меҳнат ресурслари сонининг доимий аҳоли ўсиш сурьатларига нисбатан устувор равишда ўсиши уларнинг миллий иқтисодиётдаги бандлиги тенденцияларига ҳам жиддий таъсир этиб, янги иш ўринларини яратиш ва уларни иқтисодиёт тармоқлари ва минтақалари бўйича оқилона ва самарали банд этиш заруратини келтириб чиқарди.

Меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш асосида иқтисодий ресурслар, шу жумладан, меҳнат ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланадиган хусусий корхоналар ташкил этишни давом эттириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши, уларда янги иш ўринларини яратишни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;

- иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш, зарар келтириб ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига асосан юқори технологик ва даромадли иш ўринларини кўпайтириш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ҳамда агросервис

хизмати кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти бўйича иш жойларини яратиш;

- иш билан бандликнинг ноанъанавий шакллари ривожлантириш, аграр секторидаги ишдан вақтинча бўшаб қолган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри инвестициялар – сармоялар киритиш;

- касаначилик ривожланишини рағбатлантириш орқали кўп болали аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар, ногиронлар, ўсмирлар ва бошқаларга мос иш жойларини вужуга келтиришга йўналтириш;

- муваққат иш жойларини яратиш ва мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш;

- янги иш ўринларини яратишда корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, бюджет тўловлари ва ходимларнинг вақтинча ва қисман бандлиги учун ижтимоий суғурта бадалларини камайитириш, уларни ишга қабул қилиш жараёнини енгиллатиш, бандликнинг ноанъанавий шакллари ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини Бандликка кўмаклашиш фонди маблағлари ҳисобидан қисман бўлсада қоплаш.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 616-И-сон қонуни.
2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015.
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. – Т.: «Меҳнат», 2004. -672-б.
4. Abulkasimov N., Xamraev O. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish. – Т.: «Iqtisodmoliya», 2014.
5. Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. Статистический ежегодник. 1-том. – Т., 1993.
6. Альманах Узбекистана 2013. – Т., ЦЭИ, 2014.
7. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Статистик тўплам. 2013 йил. – Т., 2014.
8. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. – Т., 2014.
9. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. 2013 йил. – Т., 2014.